



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 15 (13.612)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМДА ОЛИБ КИРИШНИ ЯНАДА ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги "Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5229-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, республикага дори воситалари ва тиббиёт буюмлари олиб киришни янада тартибга солиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки: корхонанинг ўзи томонидан тайёрланган доривор моддалар (субстанциялар) ва бутловчи буюмлардан дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш тўлиқ технологик цикл бўйича дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш ҳисобланади;

корхонанинг ўзи томонидан тайёрланган доривор моддалар (субстанциялар) ва бутловчи буюмлардан дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш тўлиқ бўлмаган технологик цикл бўйича дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш ҳисобланади;

дори воситалари ёки тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида қадоклаш, истеъмол ўрама ва маркировка қилишдан ташқари барча технологик босқичлардан ўтган ҳар қандай қадокланмаган дори воситаси ёки тиббиёт буюми "in bulk" маҳсулот деб эътироф этилади.

2. Белгилансинки: дори воситалари ва тиббиёт буюмлари тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган технологик цикл бўйича ишлаб чиқарилган тақдирда улар маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулоти деб эътироф этилади;

дори воситалари ва тиббиёт буюмлари юқоридаги мезонга мувофиқ бўлмаган ёки "in bulk" маҳсулот асосида ишлаб чиқарилган ҳолларда, улар маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулоти деб эътироф этилмайди;

маркировка қилиш ва ўрашдан ташқари корхонанинг ўзи томонидан барча ёки алоҳида бутловчи ва технологик қисмларини ишлаб чиқариш ёхуд маркировка қилиш ва ўрашдан ташқари бутловчи ва техно-

логик қисмларни, шу жумладан, импорт қилинаётганларни йиғиш йўли билан ишлаб чиқариш ташкил этилган ҳолларда тиббиёт техникаси маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулоти деб эътироф этилади.

3. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда:

мазкур қарор қоидаларини инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини;

мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 декабрдаги 352-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомга доривор моддалар (субстанциялар) ва доривор ўсимлик хомашёсини рўйхатдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришни назарда тутуви ўзгартиш ва қўшимчаларни киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

2018 йил 1 февралга қадар хорижий дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчиларнинг рўйхатдан ўтиш ҳужжатларига уларнинг аризасига мувофиқ йиғим ундирмаган ҳолда "in bulk" маҳсулотнинг ўрама ва маркировкаси ҳақидаги маълумотни кўрсатишга оид қисмига ўзгартириш киритилишини таъминласин;

2018 йил 1 мартга қадар дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини мазкур қарорнинг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган мезонлар асосида маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулоти деб топиш нуктаи назаридан уларни ишлаб чиқаришни технологик аудитдан ўтказсин.

5. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган технологик цикл бўйича, шунингдек, маҳаллий

маҳсулотлар орасида муқобили бўлмаган "in bulk" маҳсулот асосида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга давлат харидларида иштирок этишда хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг худди шундай маҳсулоти қийматидан 20 фоиз миқдоридан нарх преференциялари тақдим этилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

2018 йил 15 апрелдан бошлаб дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг "in bulk" маҳсулотни импорт қилишда, рўйхатдан ўтган тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган технологик цикл бўйича ишлаб чиқарилмайдиган худди шундай маҳаллий маҳсулотлар мавжуд бўлган тақдирда, қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзлар қўлланилмайди;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга "in bulk" маҳсулот асосида тайёрланган маҳсулотлар қисмига, рўйхатдан ўтган худди шундай маҳаллий маҳсулотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, қўшимча қиймат солиғи бўйича имтиёзлар 2019 йил 1 январга қадар сақлаб қолинади.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда бир ой муддатда дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг муомаласи ва ишлаб чиқарилиши юзасидан танқидий ўрганиш ўтказсин ҳамда уларни тартибга солиш бўйича зарур чоралар кўрсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 23 январь

Тошкент – Сеул:

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ВА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ЎЗARO ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Жанубий Корейнинг Чонук Миллий университети ҳамкорлигида "Инновацион технологиялардан фойдаланиб веб-сайт яратиш ва ривожлантириш" мавзусига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбирда Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим қадам бўлгани таъкидланди. Семинар-тренингда мамлакатимизда АКТ соҳасини ривожлантириш, бу йўналишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Соҳада ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, технологиялар ва инфратузилмаларни ривожланти-

риш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бугун муассасамизда малакали кадрлар тайёрланмоқда, – дейди Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети проректори Д.Жумабоев. – Талабаларимиз Жанубий корейлик тендошлари билан ўзаро илмий ҳамкорлик алоқаларини давом эттириши, инновацион фойдаланган таълим тартибига мос лойиҳалар устида изланишлар олиб бориши ўз самарасини беришига ишонамиз. Семинар-тренинг машғулотлари 29 январьга давом этади. Ш.МАМАТУРОВА

Агентлик бош директори Ф.Зокиров ва бошқалар мамлакатимизда барча соҳалар қаторида кино ва маданият соҳасига берилаётган эътибор, унинг ривожланиши йўлида яратилаётган шароитлар хусусида сўзлаб, тизимда янгиланиш жараёни кетаётгани, бой тарихимиздан ҳикоя қилувчи йирик кино лойиҳалари ва ўзбек киносини жаҳонга олиб чиқиш устида қизгин иш олиб борилаётганини қайд этди. Учрашувда миллий кинематографиянинг бугунги ҳолати ва истиқболдаги режалар, маркетинг ҳамда халқаро кинофестивалларни ўтказиш, киноиндустрия тараққиёти

йўлидаги ҳамкорлик алоқаларининг муҳим аҳамияти каби масалалар ҳақида сўз борди. – Ўзбекистон киноси тарихидан яхши хабардорман, – дейди Б.Бемерс. – Унинг бугунги ҳолати билан яқиндан танишиб, ривожига ўз хиссамни қўшиш ниятидаман. Маълумки, ЮНЕСКО ташкилотининг

Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ўзбек кинематографиясини янада ривожлантириш борасида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мақсад – юртингизда киноиндустрия соҳаси самарадорлигини оширишга қўмақлашдан иборат. ЮНЕСКОнинг мазкур тадқиқот натижалари жорий йилнинг 24-25 январь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтadиган давра суҳбатига муҳокама этилади. Шунингдек, ёш киноижодкорлар учун кино лойиҳалари ишлаб чиқаришга бағишланган икки кунлик семинар-тренинг ҳам ташкил этилади. Семинарда Б.Бемерс хоним ёшларга маҳорат дарслари ўтади. Г.БОБОЕВА

Халқаро пресс-клубнинг "Ўзбекистонда инвестицион муҳит: молиявий инфратузилмани ривожлантириш ва кредит ҳисоботларини такомиллаштириш" мавзусида бўлиб ўтган сессияда хорижий экспертлар, иқтисодчилар фикр билдирди. Халқаро молия корпорациясининг кредит ҳисоботларини ривожлантириш бўйича эксперти Фабрицио Фрабони, Жаҳон банкнинг маслаҳатчиси ва етакчи иқтисодчиси Стефка Славова, Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Аликс Дракинос, Республика "Кредит-ахборот таҳлилий маркази" кредит бюроси директори Музаффар Саломов Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти, хусусан, йирик инвесторлар учун жозибадор мамлакатга айлангани, бу ўз навбатида иқтисодиётнинг барча соҳасида инвестициялар оқимининг қилиб келишига имкон бераётганини алоҳида таъкидлади. Мутахассислар фикрича, иқтисодий ривожланишда халқаро илгор тажрибалардан унумли фойдаланиш муҳимдир. Бу борада Ўзбекистонда яхши тажриба шаклланди. Пироваддада Ўзбекистон "Doing Business"нинг сўнги ҳисоботига кўра, иқтисодий яхшилангани 5 босқич бўйича энг яхши 10 мамлакат сафига кирди. Тадбирда кредит инфраструктурасини ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишига хизмат қилиши таъкидланди. Мисол учун, банкдан маълум миқдорда кредит олиб тадбиркорликни йўлга қўйган, энг камида 2 ёки 4-5 иш ўрни яратиш, ўз оиласи ва қўни-қўшниси бюджет оқинини ҳисса қўлган кичик тадбиркор давлатга қанча фойда келтиради? Бу рақамни миллион сўмлар билан тавсифлаш мумкин. Ўзбекистонда банклар томонидан тадбиркор-

ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТ БИЛАН УЧРАШУВ

"Ўзбеккино" миллий агентлигида киноиндустрия соҳасида таниқли халқаро эксперт Биргит Бемерс билан учрашув бўлиб ўтди.



Мамлакатимизда Тошкент вилояти Оҳангорон шаҳрида Президентимизнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлиси Мурожаатномасидан келиб чиқувчи ЎзЛиДеП худудий кенгашлари олдига турган долзарб вазифалар мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Семинарда Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномаси мазмун-моҳияти ва аҳамияти, унда белгиланган долзарб вазифалар хусусида сўз юритилди. Наманган шаҳар марказий шифохонасида "MedData AAT" автоматлаштирилган ахборот тизими ишга туширилди. Амалга оширилган лойиҳа

шифохонанинг барча бўлимлари иш жараёнини локал тармоқ орқали ягона тизимга бириктириш имконини беради. Қабулхона, лаборатория диагностикаси ва текширувлар, барча бўлимлар фаолиятига оид маълумотлар тармоқда тўлиқ ифодасини топади. Беморнинг касаллиги, даволаниш жараёни ва муолажалар электрон хотирага муҳрланиши натижасида келажақда зарурат туғилганида касаллик тарихига оид ҳужжатларни архивдан излаш каби кўп вақт талаб этадиган ишга ўрин қолдирмайди. Китоб тарғиботи ва Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган "Сайёр китоб қарвони" деб номланган китоб ҳафталиги тадбирлари Жиззах вилоятида ҳам ўтказилмоқда. Тадбир доирасида ўтказилаётган "Кутубхонага китоб совға қиламан" хайри акцияларида тўпланган китоблар чекка қишлоқларда кўчма кутубхоналар ташкил этиш учун берилаётди. Хоразм вилояти давлат солиқ бошқармаси томонидан вилоят ҳокимлиги, прокуратура, адлия ва божхона бошқармалари, Ўзбекистон ёшлар итти-

фоқи вилоят кенгаши билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилги асосий йўналишларидан келиб чиқиб солиқ қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятига бағишланган кўргазмали семинар ўтказилди. Жаҳонда Кеча Швейцариянинг Давос шаҳрида 48-Бутунжаҳон иқтисодий форуми бошланди. Дастлаб давлатлар ўртасида савдо муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари кун тартибидан ўрин олган бўлса, бугун Европа кўни ўтказилмоқда. "Ўзгаришлар дунёда келажақни ҳамкорликда курашимиз" шиори остида ўтказилаётган форум давомида жами юздан ортиқ масалалар кўриб чиқилади. Кеча Ливиянинг Бенгази шаҳрида амалга оширилган иккита террорчилик ҳаракати натижасида 33 киши ҳаётдан қўз юмди. АҚШнинг Оклахома штатидаги газ қонида рўй берган портлаш беш кишининг ҳаётига зомин бўлди.

САМАРАЛИ ЕЧИМ ВА КАТТА ИМКОНИЯТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси бугун юртимизнинг ҳар бир фуқароси қалбига ёруғлик, эртанги кунга собит ишонч олиб кирди.

Тахлилий ҳисобот тарзидаги мурожаатнома, таъбир жоиз бўлса, юртимизда инсон манфаатларининг ҳар нарсадан устун эканини яна бир қарра исботлаб берди.

Чунки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинган 2017 йилда жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги кенг қўламли ислохотлар ва янгилашларга гувоҳ бўлдик. Ушбу ислохотларнинг самараси бугун жамиятимиз ҳаёти ва халқимиз турмушидаги ижобий ўзгаришларда намоён бўлмоқда.

Мурожаатномада эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ислохотларда ННТларнинг ўрни ва роли беҳисоб экани таъкидланди.

Мамлакатимизда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ташкил этиш ҳамда улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Хусусан, ННТларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундирилган давлат бож микдори 5 бараварга, уларнинг раамларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундирилган йиғимлар микдори 2,5 бараварга камайганлиги, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ННТнинг алоҳида бўлишларини давлат рўйхатидан ўтказишда давлат бож олинмаслиги, давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатлар икки ой мuddат ўрнига бир ой мuddатда қўриб чиқилиши белгиланганлиги, рўйхатдан ўтказишда таъсис ҳужжатларини нотарий тасдиқлаш ва бошқа қўшимча талаблар бекор қилинганлиги, ННТ томонидан ҳисоботлар топшириш ва тadbирларни қилишиш тартиблари оsonлашганлиги, ННТ мансабдор шахслари томонидан қонун бузилиши ҳолатлари содир этилганда жавобгарлик чоралари энгиллашганлиги ва бошқа нормалар бунга аққол мисол бўла олади.

Шу билан бирга, ННТ фаолияти ва молиявий ҳолатининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддасида белгиланган юридик шахслар олти ой мобайнида банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда уларни тугатиш учун асос бўлишига назарда тутуви қоида ННТларга жорий этилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Бу эса, ўз навбатида рўйхатдан ўтиб, кейинчалик маълум иқтисодий сабабларга қўра вақтинчалик молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ННТларнинг тугатилиши талаби мавжудлиги сабабли нодавлат нотижорат ташкилотлари сонининг камайиши мумкинлиги ҳолатларига чек қўйилди.

Буларнинг натижасида ННТларнинг ўрни ва нуфузи ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, таълим, соғлиқни сақлаш ва барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлардаги иштироки сезиларли даражада ошди.

Мисол тариқасида, мустақилликка эришган дастлабки даврда Республикада 100 тага яқин ННТ фаолият кўрсатиб келган бўлса, бугунги кунда юртимизда 9000 дан ортиқ нодав-

лат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Аммо ана шундай муҳим саъй-ҳаракатларга қарамастан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этишда ННТлар иштироки етарли даражада сезилмаётганлиги, улар фақат номига йиғилишлар ўтказиш билан машғул бўлиб қолаётганлиги ҳақида Президентимиз Олий Мажлисига тақдим этган Мурожаатномасида танқидий фикрлар билдирди.

Дарҳақиқат, сўнги вақтларда ННТларнинг иши асосан тарғибот-маърифий тусдаги тadbирларни ўтказиш билан чекланиб, амалий вазифалар билан шуғулланиш, аниқ муаммоларни ҳал этиш каби долзарб масалаларга етарли эътибор қаратилмапти.

Шулардан келиб чиқиб, ижтимоий тузилмалар билан амалий мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши тузилишини айтиб ўтдилар.

Бу борадаги хорижий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқлари бўйича Жамоат кенгаши – РФ Президенти ҳузуридаги маслаҳат органи ҳисобланиб, унинг асосий мақсади давлат раҳбарининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашдаги конституцион вазифаларини амалга оширишда кўмак беради.

Кенгаш Президентга тизимли равишда ушбу соҳа бўйича ҳолат, федерал қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари экспертизаси, шунинг билан биргаликда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш ва таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқади.

Шунга яқин мисолни Франция тажрибасида ҳам кўриш мумкин. 1958 йилдаги Конституцияга мувофиқ Францияда ижтимоий-иқтисодий кенгаш ташкил этилган бўлиб, ушбу тузилма ҳуқуқматла иқтисодий ва ижтимоий хусусиятга эга қонун лойиҳалари бўйича ҳулосалар тақдим этади.

Шунга ўхшаш кенгашлар Австрия, Голландия, Белорусия ва Тожкистон Республикаларида ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда ягона жамоатчилик маслаҳат органи мавжуд эмаслиги туфайли, мазкур соҳада кўп йиллар давомида йиғилиб қолган қатор муаммоларни самарали ечишга имконият йўқ эди.

Эндиликда, Президент ҳузурида фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши тузилиши соҳадаги муаммоларни самарали ечишга катта имкониятлар очиб беради. Шунингдек, ННТ фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ва жамиятдаги мавқеини юксалтиришга хизмат қилади.

Биз Мурожаатномада таъкидланган фикрлардан ҳулоса чиқариб, вазифалар белгилаб олдик. Уларни амалга ошириш йўлида, Президентимиз таъкидлаганидек, бор ақл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни, жоноҳон Ватанимизга фарзандлик меҳримиз ва садоқатимизни сафарбар этамиз.

Санжарбек РУЗИЕВ,

ЎЗНТМА

ижрочи директори в.в.б.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг 2017 йилдаги фаолияти танқидий таҳлил қилинди, жорий йилги режалар белгилаб олинди.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МУРОЖААТНОМАСИ ФАОЛИЯТ МЕЗОНИГА АЙЛАНМОҚДА

Федерация раиси Жаҳонгир Саримсоқов мамлакатимизда истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқлари қонуний кафолатлангани, бу борада Ўзбекистон етакчи мамлакатлар сафидан мустахкам ўрин эгаллаётганини алоҳида таъкидлади.

Мажлисида қайд этилганидек, 2017 йилда ҳар ойнинг иккинчи куни Федерация, унинг ҳудудий бирлашмалари масъулларининг аҳоли билан мулоқот куни этиб белгиланди. Шунингдек, ташкилот мутасаддилари жойларга чиқиб, аҳоли билан учрашувлар ўтказди. Пировадиди 230 дан ортиқ эҳти-ёжманд фуқаро ҳолидан хабар олиниб, уларга 54 миллион сўмдан кўпроқ моддий ёрдам кўрсатилди.

Утган йил давомида федерация, унинг ҳудудий тузилмаларига истеъмолчилардан 14 мингдан зиёд мурожаат келиб

тушган. Уларнинг аксарияти табиий газ, сув, электр таъминоти, транспорт ва савдо хизматлари кўрсатиш, соғлиқни сақлаш тизими билан боғлиқ. Мурожаатларнинг қарийб 92 фоизи ижобий ечимини топган. Статистик маълумотларга қўра, 2016 йил билан солиштирилганда 2017 йилда мурожаатларнинг сони 4 минг 219 тага кўпайган.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтирмоқда. Туркия, Германия, Жанубий Корейнинг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Халқаро истеъмолчилар ташкилоти билан тенг ҳуқуқли муносабатлар мустаҳкамланмоқда.

– Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида

билдирилган мулоҳазалар, кўрсатмалар фаолиятимизнинг бош мезони бўлади, – деди федерациянинг Навоий вилояти ҳудудий бирлашмаси раиси Тождидин Эшмирзаев. – Шу маънода, биз асосий эътиборни халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратганмиз.

Утган йилда федерация ҳузурида 3 тadbиркорлик тузилмаси фаолият бошлади. Уларда 20 иш ўрни яратилди. Йиғилишда Фаол тadbиркорлик, инновацион гоълар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилдада ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар яна давом эттирилиши таъкидланди. Жумладан, инновацион гоъ ташаббускорлари федерация томонидан рағбатлантирилиб, уларни тadbиркорликка жалб қилиш чоралари кўрилади.

ЎЗА

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ ХИЗМАТЛАРИ ТАРИФЛАРИГА МАХСУС УСТАМА ҲАҚ МИҚДОРINI БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-2900-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 291-модда) қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 15 декабрдаги 05/1-804-сонли топшириги ижросини таъминлаш мақсадида, Молия Вазирлигининг 2017 йил 22 декабрдаги ЕТ/15-04-34-11/211-2257-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 15 декабрдаги 05/1-804-сонли топшириги ижро учун қабул қилинсин.

2. 2018 йил учун Тошкент шаҳрида ичимлик сув таъминоти хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ миқдори истеъмолчилар учун - 100 сўм/м³ этиб белгилансин.

3. Ичимлик сув таъминоти хизматлари тарифлари бўйича белгиланган махсус устама ҳақ миқдорини тушуш ҳисобланиб, барча солиқ турларини ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда солиққа тортиладиган базага киритилмаслиги, шунингдек сув таъминоти ташкилотларининг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботида акс эттирилмаслиги инобатга олинсин.

4. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Н.Собиров), Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси (Ш.Азимджанов), "Сувсоз" давлат унитар корхонаси (Х.Махкамов); сув таъминоти хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ маблағларини жамлаш учун "Сувсоз" давлат унитар корхонасига хизмат кўрсатувчи банкда очилган махсус ҳисоб рақамига жамланган қўнлик тушуш бўйича махсус устама ҳақ Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилиши таъминлансин.

5. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлга кирасин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Махсумов ва Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи Ш.Азимджанов зиммаларига юклатилсин.

**Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов**

2018 йил 12 январь

ЙИЛ САРҲИСОБИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

**Ўзбекистон Экологик ҳаракати,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлари гуруҳи, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг 2017 йил якунлари ва истиқболдаги режаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Видеоконференция тарзида ўтган тadbирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Экоҳаракат ходимлари ва фаоллари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган ННТ вакиллари, соҳага алоқадор идоралар мутахассислари иштирок этди.

Тadbирда Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг 2017 йилдаги фаолияти якунлари ва истиқболдаги режалар муҳокама қилинди.

Утган йил Экоҳаракат ва унинг депутатлари томонидан 2 минг 200 га яқин амалий-таҳлилий тadbирлар ўтказилган. "Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида"ги янги қонун лойиҳаси, "Экологик экспертиза тўғрисида"ги, "Чиқиндилар тўғрисида"ги, "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг янги таҳрири устида ишлар олиб борилган. Шунингдек, тегишли ҳудудлар доирасидаги локал экологик муаммоларни бартараф этиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари қарорлари қабул қилинишига эришилган.

Жорий йилда ушбу тизимли ишларни янада тарқатиллаштириш, ҳудудларга хос муаммоларни бартараф этиш, чиқиндиларни қайта ишловчи корхоналарни кўпайтириш, Оролбўйи ҳудудидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш сингари қатор мақсадли вазифаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Тadbир иштирокчилари томонидан айрим қонун ҳужжатларида белгиланган экологик таълимнинг мажбурийлиги, ўқув дарслиklarидан эса экология фанларининг чиқариб ташланган сингари тафовутларга мутахассислардан изоҳ сўралди. Етакчи драматурглар, кинорежиссёрлар билан ҳамкорликда томошабиннинг экологик маданиятини ўстиришга хизмат қиладиган киноасарлар, фильмлар, ижтимоий роликлар яратиш мақсадага мувофиқлиги сингари таклифлар билдирилди.

Мохигул ҚОСИМОВА

ЭНГ МАШҲУР САЙТЛАР, МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНЛАР ВА ИЛОВАЛАР АНИҚЛАНДИ

"Миллий маркетинг маркази" корхоналари уюшмаси "Intarget.uz" компанияси билан ҳамкорликда мамлакатимиз интернет статистикасига оид махсус нашр тайёрлади. Унда ижтимоий тармоқ ва веб-саҳифаларга ташриф буюрувчилар сони ҳақидаги маълумотлар, энг машҳур мобиль телефонлар ва иловалар рўйхати акс этган.

Ўтказилган тадқиқотларга қўра, бугунги кунда Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилар сони 15 миллион киши ва уларнинг 80 фоизи мобиль трафикдан фойдаланади. www.uz миллий қидирув тизимининг маълум қилишича, www.daryo.uz янгиликлар сайти Ўзнетдаги энг оммабоп сайтлар ўнталигида етакчилик қилмоқда. 2018 йил 15 январь ҳолатига қўра, ушбу сайтга бир кеча-кундузда қарийб 330 минг фойдаланувчи кирган. www.kun.uz янгиликлар сайти иккинчи, спорт янгиликлари сайти www.stadion.uz учинчи ўринда қайд этилган.

Мамлакатимизда бир неча йилдан буён "Одноклассники", "Facebook", "ВКонтакте" тармоқлари энг машҳур ижтимоий тармоқ бўлиб қолмоқда. Масалан, юртимиздаги 2 миллион интернет фойдаланувчи ок.й ижтимоий тармоғига мунтазам ташриф буюради, "Facebook" тармоғининг аудиторияси эса, фотосурат ва видеоёзувлар билан алмишиш учун мўлжалланган "Instagram" бепул иловаси билан қўшиб ҳисоблаганда 1,6 миллиондан ортиқ фойдаланувчинини ташкил этади. Оммабоплиги бўйича "Telegram" мессенжери биринчи ўринни эгал-

лайди. "Прикол" ва "kun.uz" сайтларининг ҳар бири 217 мингдан ортиқ обуначига эгаллиги билан ўзбек телеграмм-каналлари ичида етакчилик қилмоқда.

Мамлакатимиз бўйича ўтказилган статистика рейтингига "Google" компанияси ишланмалари бир неча етакчи ўринларни эгаллаган. Масалан, "Chrome" браузер ва "Google" қидирув тизими энг оммабоп деб топилди. Ушбу тизимдан фойдаланувчиларнинг 76 фоизи фойдаланади. Юртимиз интернет фойдаланувчилардан 19 фоизи мурожаат этувчи "Яндекс" қидирув тизими иккинчи ўринни эгаллади.

Мобиль телефонлар ишлаб чиқарувчиларининг статистикаси ҳам гоъта қизиқарли. "Samsung" компанияси телефонлари рейтингининг биринчи ўринига сазовор бўлган. Бошқа қатор вендорлар иккинчи, 16 фойдандан ортиқ бозор улушига эга "Nokia" телефонлари эса учинчи ўринда қайд этилган. Бу маҳаллий бозорда мазкур компанияда ишлаб чиқарилган тугмали телефонларга хануз эҳтиёж бандлиги натижаси бўлса керак. Сўнги йилларда Ўзбекистон бозорига "Huawei" компанияси смартфонлари оммабоплиги деярли икки баробар ўсган бўлса-да, бугунги кунда уларнинг улуши атиги 2,1 фоизни ташкил этмоқда.

ЎЗА

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда Омбудсман институтининг ўрни ва роли беқасдир. Бугун Халқаро, Европа омбудсман институтлари ҳамда Осиё омбудсманлар ассоциацияси фаолият юритмоқда.

Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) лавозими ташкил этилган. Ўзбекистон омбудсмани юқоридаги нуфузли ташкилотларнинг аъзосидир.

ЎЗА муҳбири мазкур институт томонидан амалга оширилаётган ишлар, кенгайтирилаётган ваколатлар қандай имкониятлар яратаётгани хусусида **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Улуғбек МУХАММАДИЕВ** билан суҳбатлашди.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлашга қаратилган ислохотлар халқимиз манфаатларига хизмат қилмоқда, – дейди У.Мухаммадиев. – Бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимида ҳам туб янгиланишлар рўй бераётди. Бу институтларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари тубдан янгиланмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йўлида амалга оширишга оид Давлат дастурига асосан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун қабул қилинди.

Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Вакилга инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлашда янги ваколатлар берилди.

Хусусан, мазкур қонун билан Омбудсманнинг қонун устуворлиги ва адолатни қарор топтиришга оид ҳуқуқлари кенгайтирилди. Эндиликда Омбудсман Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди кўриб чиқиши учун қонунга мувофиқ масалалар киритиш; фуқаролар манфаатларини кўзлаб аризалар ҳамда даъволар билан судларга мурожаат этиш; инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини, уларга инсон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бар-тароф этиш тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига белгиланган муддатларда кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдирномалар киритиш каби ҳуқуқларга эга бўлди.

2017 йилнинг 9 ойи давомида Омбудсман номига жисмоний ва юридик шахслардан жами 6 минг 329 мурожаат тушган бўлиб, шундан 1 минг 789 таси назорат тартибида ўрганиб чиқилди. Улар юзасидан давлат органларига 2 минг 468 сўров юборилган.

Келиб тушаётган мурожаатларнинг 41,6 фоизи – шахсий, 28,6 фоизи – ижтимоий, 25,8 фоизи – иқтисодий, 3,5 фоизи – сиёсий ҳуқуқларга қолгани эса бошқа ҳуқуқларга тегишлидир.

– Омбудсманга жазони ижро этиш муассасалари устидан парламент назоратини амалга ошириш ваколати берилган. Бу борада қандай амалий ишлар қилинмоқда?

– Дарҳақиқат, ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган, маъмурий қамоққа ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар ҳуқуқлари ҳимоясини ташкил этиш ва бу борада парламент назоратини таъминлаш Омбудсманнинг устувор вазифаларидан биридир.

Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра,

Омбудсман мазкур муассасаларга монеликсиз кириши, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилган ҳолатларда ўз ташаббуси ёки шахслар мурожаатлари бўйича текширувлар ўтказишга ҳақли. Ушлаб турилган ва қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар ёзма шаклдаги мурожаатларни (хатлар ва телеграммаларни) уларнинг сони чекланмаган ҳолда Вакилнинг номига юбориш ҳуқуқига эга. Вакил номига юбориладиган мурожаатлар цензура қилинмайди.

Омбудсманга мурожаатлар юбориш муддатлари ҳам белгиланган. Яъни, хатлар Вакилга йигирма тўрт соатдан кечиктирмай, телеграммалар эса дарҳол юборилади.

Омбудсман 2017 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Навоий вилоятларидаги олтига жазони ижро этиш муассасасида маҳкумлар ҳамда эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича комплекс назорат олиб борди.

800 дан ортиқ маҳкумлар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Уларнинг шарт-шароитлари, тиббий хизматдан қандай фойдаланаётгани, муассасаларда меҳнатни ташкил қилиш, умумий таълим, тарбиявий ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўрганилди.

Учрашув жараёнида маҳкумларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тушунтирилиши билан бирга жазони ижро этиш муассасаларининг ўзида индивидуал мурожаатлар қабул қилинмоқда. Ушбу учрашувларда жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол иштирок этмоқда.

Маҳкумлар ва эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган шахслардан тушаётган мурожаатлар сони ошиб

матни камситувчи муомала ва жазо турларининг олдини олиш бўйича назорат-таҳлилий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга оид чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Унда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши ушбу соҳада парламент назорати кенг таъминланишига имкон яратади.

Шу билан бирга, жазони ижро этиш муассасалари тизимини танқидий ўрганиш ва тубдан такомиллаштириш доирасида 2018-2022 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш режалаштирилмоқда. Албатта, Омбудсман мазкур дастур ижросида фаол иштирок этади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурилган ташаббусларни рўёбга чиқариш ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комитетини Зайд Раад ал-Хусайн билан музокаралар натижалари бўйича эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича амалий тадбирлар режаси (“Йўл харитаси”)га ҳамда давлатимиз раҳбарининг “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ қонуности ҳужжатлари ҳам такомиллаштирилмоқда. Хусусан, Миллий превентив механизмлар тўғрисидаги ҳамда Омбудсманнинг жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган, ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган, маъмурий қамоққа олинган шахслар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан парламент назоратини амалга ошириш тўғрисидаги низомлари шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармасига қарашли жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган айбланувчи ва маҳкумларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, уларга яратилган шароитларнинг аҳолини ўрганиш билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича мониторинглар давом эттирилиб, уларнинг яқунлари бўйича тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли ташкилотларга тақдим этилди.

Бундан ташқари, жазони ижро этиш муассасалари маъмурияти, тергов органлари ходимлари масъулияти ҳамда малакасини ошириш ҳам долзарб вазифалардан биридир. Хусусан, 2018 йил давомида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комитетини бошқармасининг Марказий Осиё бўйича Минтақавий бўлими ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори билан ҳамкорликда ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси тизимларида фаолият юритувчи ходимларнинг малакасини оширишга қаратилган туркум семинарлар ташкил қилиниши режалаштирилган.

Мазлумки, 2018 йилга мўлжалланган “Фаол тадбиркорлик, инновацион фойдалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастури лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсманнинг) жазони ижро этиш муассасалари, фаолиятини мониторинг қилиш бораидаги ваколатларини кенгайтириш назарда тутилган.

Бу йўналишда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш режалаштирилган. Шунга кўра, Омбудсманнинг қамоққа сақланаётган ва жазони ўташ жойларида бўлган шахсларнинг яшаш шароитларини мониторинг қилиш бўйича ваколатлари янада кенгайтирилади.

Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди

ЎЗБЕКИСТОН ОМБУДСМАНИ:

инсон ҳуқуқларини, айниқса, жазони ижро этиш муассасаларида қонунийликни таъминлашга оид фаолият кучайтирилди

бораётгани Омбудсманнинг мазкур йўналишдаги фаолияти муҳимлигидан далolat беради. Мисол учун, 2015 йилда бундай мурожаатлар сони 147 та эди, 2016 йилда 211 тани ташкил этди. 2017 йилда бу кўрсаткич 2,5 баробар кўпайиб, 557 та мурожаат келиб тушди.

Таъкидлаш лозимки, ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган, маъмурий қамоққа ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар алоҳида назорат тартибида ўрганиб чиқилади.

Барча мурожаатлар мутасадди идоралар билан те-кор кўриб чиқилмоқда. Уларнинг аксариятида маҳкумлар афв ёки оила аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда ёрдам сўраган. Бундай мурожаатларни ҳал қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Бундай аниқ ҳамда самарали чора-тадбирлар маҳкумларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

– Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлайдиган қўшимча механизмлар яратишни ҳисобга олган ҳолда, жиноят-ижро қонунчилигини янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– 2017 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, Қонунчилик палатаси ҳамда Омбудсман томонидан 2018 йилда қийноқ ва бошқа шафқатсиз, гайриinsonий ёки кадр-ким-

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармасига қарашли ҳарбий қисмда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти тузилди.

ҲАРБИЙ ҚИСМДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ТУЗИЛДИ

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда мамлакатимизда аҳоли хотир-жамлиги, тинч-осуда, фаровон турмуш шароитига эришиш мақсадида мудро-фаа қобилиятини мустаҳкамлаш, миллий армиямиз қудратини замонавий талаблар асосида янада ошириш йўлида изчил ислохотлар олиб борилаётгани таъкидланди. Бу жараёнда асосий куч-қудрат сифатида қаралаётган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларга кенг имкониятлар беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқини фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида ҳарбий қисмда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти тузилиб, унинг етакчиси сайланди.

(ЎЗА)



БУЮК ЖАСОРАТ СОҲИБИГА ЭҲТИРОМ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуганиевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарор ижроси доирасида маҳаллаларда, таълим муассасаларида, давлат ва жамоат ташкилотларида маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент маданият коллежида ташкил этилди. Унда таниқли олимлар, адабиёт ва санъат намояндalари, профессор-ўқитувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ёшлар қатнашди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотираси олдида ҳурмат бажо келтириш, айна пайтда, юрт тинчлигини асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг, айниқса, ёшларимизнинг масъулияти бурчи эканини уларга яна бир бор эслатиб ўтишдан иборат бўлди.

– Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бизга доим азиз фарзандларим, деб мурожаат қилганлари қалбимиздан чуқур жой олган, – дейди коллеж ўқувчиси Ш.Эркинов. – Бизнинг келажакимиз йўлида доим куйинган, барча шароитни муҳайё этган Юртбошимиз бошлаган ишларнинг муносиб давомчилари бўлишга интиламиз.

Тадбирда “Ислом Каримовнинг мамлакатимизда миллий кадрларимизни тиклашдаги матонатини” мавзусида маъруза тинланди.

– Собиқ мустабид тузум даврида миллий кадрларимиз, урф-одатларимиз, муқаддас динимиз, азалий анъаналаримиз аёвсиз топталди, – дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти Тўлқин Эшбеков. – Уша даврларда бу ҳақда очик-ошкора гапириш – катта маънавий жасорат эди. Мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримов халқимиз орау-умидларини рўёбга чиқарди. Миллий-маънавий кадрларимизга эҳтиром билан муносабатда бўлиш, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришнинг давлат сиёсати даражасига кўтарди, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўшди.

“ЎЗЭЛТЕХСАНОАТ”ДА ЕТАКЧИ САЙЛАНДИ

“Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компаниясида бўлиб ўтган йилгилишда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати изчил ва самарали амалга оширилиши навқирон авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ўғил-қизларни вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

“Ўзэлтехсаноат” АК тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда ишлаётган ёшлар ҳам ўзининг билими ва иқтидори билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Йилгилишда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг “Ўзэлтехсаноат”да етакчилар кенгаши раисини сайлаш масаласи кўриб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши билан ҳамкорликда компанияда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурининг тақдими бўлди.

Намоз Толипов Ёшлар иттифоқининг корхонадаги етакчилар кенгаши раиси этиб сайланди.

– Жамоамиз томонидан менга билдирилган юксак ишончини оқлаш учун бор куч ва билимимни сарфлайман, – дейди “Ўзэлтехсаноат” АК масъул ходими Намоз Толипов. – Биз фаолиятимизда илгор тажрибаларни оммалаштириш, ёшларнинг ўз фаолияти давомида дуч келаётган муаммоларини ўрганиш ва уни бартараф этиш, уларнинг етакчилик қобилиятларини ривожлантиришга ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан компаниямиз ўртасида қўша қарор имзоланди ва чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Ушбу дастурларда кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишда биз бир жамоа бўлиб, олдимизга қўйилган эзгу мақсадлар сари интиламиз.

(ЎЗА)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“ABSOLUT AVTO LYUKS” МЧЖга (ИНН 303414114) тегишли бўлган лицензия аарақлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Лицензия варақаси	Муддати	Давлат рақам Белгиси	Модели
AT № 1967975	24.02.2018 й	01 971 OEA	HOWO



ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Азиза Йўлдошева Олмазор туманидаги енгил саноат касб-ҳунар коллежида ўқийди. У дарсдан бўш вақтида Меҳрибонлик уйлари, маҳаллаларда ўзи тенги қизларга спорт рақсидан сабоқ беради.

“Туркистон” саройида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган хайрия тадбирида Азиза сингари ёшларни эзгу мақсад сари бирлаштирган “Яхшиликлар иттифоқи” лойиҳаси ҳақида атрофлича маълумот берилди.

“Яхшиликлар иттифоқи” лойиҳаси 2017 йил сентябрь ойида бошланган. Ўз атрофида юзлаб йигит-қизларни бирлаштирган мазкур лойиҳа доирасида “Меҳр улашамиз”, “Дўст бўл!” ҳамда “Соғлом ёшлар” каби йўналишларда иш олиб борилмоқда. “Меҳр улашамиз” йўналишида кўнгиллиқлар Меҳрибонлик уйлари, кам таъминланган оила фарзандлари, махсус мактаб тарбияланувчилари, алоҳида эҳтиёжли ёшлар билан иш олиб боради. Лойиҳанинг “Дўст бўл!” йўналиши иштирокчилари эса маҳаллаларда қаровсиз қолган, ёлғиз кексалар ҳолидан

хабар олиш, уларга уй юмушларида кўмаклашишни мақсад қилган. Алоҳида эҳтиёжли ёшлар иштирокида турли мусобақаларни мунтазам ўтказиш, ўз-ўзига бўлган ишончли ортиришда “Соғлом ёшлар” йўналиши сафига бирлашган йигит-қизларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Акмал Жумабоевнинг айтишича, мазкур лойиҳадан кўзланган асосий мақсад бугунги глобаллашув даврида улғайиб келаётган авлоднинг ижтимоий бурчи ва масъулиятини кучайтириш, ёшларда эзгулик, хайрихоҳлик, меҳр-оқибат каби тушунчаларни мустаҳкам қарор топтиришдан иборатдир.

Тадбирда талаба-ёшлардан таркиб топган бадиий жамоаларнинг концерт дастури намойиш этилди.

Н.УСМОНОВА

Спорт янгиликлари



Ўзбекистон футбол федерациясида футболимиз мутасаддилари, болалар ва ўсмирлар мураббийлари иштирокида бўлиб ўтган йилги болалар ва ўсмирлар ҳамда оммавий футболни ривожлантириш, малакали мураббийлар тайёрлаш масаласига бағишланди.

МУРАББИЙЛАР МАЛАКАСИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Тадбирда ЎФФ техник ривожлантириш бошқармаси томонидан иштирокчиларга болалар ва ўсмирлар ҳамда оммавий футбол мусобақаларини ўтказиш тартиби, мураббийларни тайёрлашнинг янги тизими бўйича тақдимот қилиниб, мусобақалар тақвими белги-лаб олинганлиги маълум қилинди. Шу ўринда айтиш керак жорий йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида мингга яқин мусобақа ташкил этилиши режалаштирилган. Шунингдек, йилги ўтказиш бўйича аҳамият қаратиш керак бўлган муҳим жиҳатлар ҳақида кўрсатмалар берилди. Болалар ва ўсмирлар мураббийлари малакасини ошириш мақсадида улар билан суҳбат уюштирилди. Шу билан бирга мураббийларни тайёрлаш бўйича мутахассисларнинг малакаси ҳам синовдан ўтказилди.

СЕЛЕКЦИЯ ИШЛАРИ ҚИЗГИН ПАЛЛАДА

Жорий йилги мавсумда ҳам фақат мамлакат чемпиони бўлишга аҳд қилган "Локомотив" жамоаси мураббийлар штаби селекция жараёнига катта аҳамият қаратишмоқда.

Чунончи ўтган йили "Олмалик" шарафли химоя қилган легионер футболчи Игорь Йелич энди темирйўлчилар таркибига тўп суради. Шунингдек, кўп йиллар Сербия чемпионатида "Явор" ҳамда "Младост" клублари шарафини химоя қилган хамюртимиз Хусниддин Гофуров ҳам темирйўлчилар сафига келиб қўшилди.

МАШГУЛОТ ЙИГИНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Туркияда ташкил этилган ўқув-машғулотда иштирок этаётган "Пахтакор" Албания олий дивизиони вакили "Партизани" жамоасига қарши назорат-ўртоқлик беллашувида майдонга тушди.

Учрашувда аввалига албанияликлар Асани томонидан "Пахтакор" дарвозасига киритилган гол эвазига олдинга чиқиб олишди. Аммо ҳам-шаҳарларимиз рақиб дарвозаси олдида кўп

марта хавфли вазиятларни содир этишди. Бу самара берди. Бразилиялик легионер Тиаго Бездерра пенальтидан унутили фойдаланиб, ҳисобни тенглаштирган бўлса, Азим Аҳмедов ва

Жасур Ҳакимов рақиб дарвозасини ўйин тугагунга қадар бир мартадан аниқ нишонга олишди ва яқунда "Пахтакор" 3:1 ҳисобига ғалаба қозонди. **Ақбар ЙҮЛДОШЕВ**

риктириб, Чилонзор тумани, Муқимий кўчасида жойлашган "Заргарлик" савдо мажмуаси атрофида фуқаро Ш. Ҳакимовдан 32 млн. сўмга ҳар бир АҚШ долларини "қора бозор" курсида 8000 сўмдан ҳисоблаб қонунга хилоф равишда 4 минг АҚШ долларини сотиб олган вақтларида ушланиб, 32 млн. сўм ашёвий далил сифатида олиб қўйилган. Мазкур ҳолат бўйича айбланувчиларга нисбатан ЖКнинг 177-моддаси, 2-қисми "в" банди билан жиноят иши кўзга тилиб, жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди судланувчиларга нисбатан қонуний ҳукм чиқарди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бугунги кунда давлатимиз томонидан валюта сиёсатини либераллаштириш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим қадам бўлди. Эндиликда фуқароларда банкка эркин валюта топшириш, сотиб олиш имконияти бор. Шундай экан, "қора бозор"га на ҳолат?

Б. МИРҲАМИДОВ, Бош прокуратура хузуридаги СВОЖЖДЛКД Департаменти Чилонзор тумани бўлим бошлиғи

ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАМИЗ – ФИНАЛДА

Хитойда футбол бўйича 23 ёшли чарм тўп усталари ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатининг ярим финал беллашувлари якунига етди.

Қитъа биринчилигининг чорак финалида Осиёнинг энг кучли терма жамоаларидан бири Японияни 4:0 ҳисобида енгиб, барча мутахассислару, мухлисларни хайратга солган Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги ёшлар терма жамоамиз футболчилари яна энг кучли терма жамоалардан бири Жанубий Корея билан ярим финалда ўзаро рўбарў келишди. Кувонарлиси, корейсларга қарши ўтказилган ўйинда ҳам ҳамюртларимиз тўлиқ устунликка эришди. Ўйин давомида тўпни назорат қилишда, жамоадошига аниқ узатишда, рақиб дарвозаси олдида хавфли вазиятлар содир этишда корейсларни доғда қолдирган футболчиларимиз 120 дақиқа давом этган баҳс якунида 4:1 ҳисобидаги ажойиб ғалабага эришди ва чемпионлик учун курашиш имкониятини кўлга киритишди. Дастлабки 90 дақиқа 1:1 ҳисобидаги дуранг билан аяқланди. Чунки Равшан Ҳайдаров шогирдлари корейслар дарвозаси олдида уюштирилган кўпгина қўлай вазиятлардан самара чиқара олишмади. Кейин ҳакам терма жамоаларни яна майдонда 30 дақиқа тўп суришлариغا имкон яратди. Ана шу қўшимча вақтда терма жамоамиз корейслар дарвозасига учта гол йўллашнинг уд-

дасидан чиқибди. Рақиб дарвозасини Забихилло Ўринбоев, Азизжон Фаниев, Жасур Яхшибоев ва Акрамжон Комилов аниқ нишонга олишди. Осиё чемпионатининг иккинчи ярим финали Вьетнам-Қатар терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Мурасасиз баҳснинг асосий вақти томонларнинг 2:2 ҳисобидаги дуранг натижаси билан аяқланди. 30 дақиқалик қўшимча вақтда эса дарвозалар дахлсиз қолди. Фоллини аниқлаш мақсадида ҳакам томонидан белгиланган пенальтилар серияси вьетнамликларга 4:3 ҳисобидаги ғалабани тўғра этди ва Вьетнам терма жамоаси ҳам ўз тарихида илк бор финал йўлланмасини кўлга киритди. Энди Осиё чемпионлиги учун Ўзбекистон ҳамда Вьетнам кескин кураш олиб бориша, фахрли 3-4 ўринлар учун Қатар ва Жанубий Корея терма жамоалари майдонга тушади. Осиё чемпионатининг бронза медаллари учун баҳс 26 январда, олтин медаллари учун беллашув 27 январда бўлиб ўтади. Биз ёшлар терма жамоамизга Осиё чемпионлиги учун баҳсда омад тилаймиз ва Тошкентга ёруғ юз билан қайтишлариغا ишонамиз.

Қилмиш – қидирмиш

"ДОЛЛАРФУРУШ"ЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Мамлакатимизда "қора бозор"га қарши, валюта қимматликларининг ноқонуний айланишига қарши кескин кураш олиб борилмоқда.

Бош прокуратура хузуридаги Департаментнинг Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бўлими томонидан ҳам бу борада талай ишлар амалга оширилмоқда. Бўлим ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Б. Матчонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Хоразм вилоятидан Тошкент шаҳрига жуда кўп миқдордаги валюта маблағларини "хавала" йўли билан ўтказиб берган вақтда ушланган. Тадбир давомида Б. Матчонов 900 АҚШ долларини фуқаро Ф.Бобононовга бераётганда ушланган. Б. Матчоновдан 16.061 АҚШ доллари ва Ф.Бобононовдан 900 АҚШ доллари далилий ашё сифатида олиб қўйилган. Ўтказилган дастлабки суриштирув ҳаракатлари давомида фуқаро Б. Матчонов ва бошқалар ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, лицензия

олиниши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмасдан бир неча йиллар давомида жуда кўп миқдордаги АҚШ долларини "хавала" йўли билан ноқонуний ўтказиб келганлиги оқибатида 106.284.610 сўм миқдорда даромад олганлиги аниқланди. Б. Матчоновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 188-модда, 1-қисми ва 190-моддаси 2-қисми "б" банди билан жиноят иши кўзга тилиб, қонуний жазага тортилди. Худди шунингдек, тезкор ходимлар билан ҳамкорликда фуқаро Ш. Ҳакимовнинг аризасига асосан 2017 йил 9 октябрь куни ўтказилган тадбирда фуқаролар С. Содиқов ва М. Олимовлар (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўзаро жиноий тил би-

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! "Учтепа кичик sanoat zonasini bosqarish direktsiyasi" davlat unitar korxonasi sizlarni korxonada xuddida joylashgan bino va inshootlarni imtiboli ravishda ijaraga berish b'yicha utkaziladigan tanlov savdolriga TAKLIF ETADI ASOS: O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 25 oktyabrda PQ-3356-sonli va 2017 yil 18 mayda PQ-2973-sonli qarorlari, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2014 yil 31 dekabrda 378-sonli va 2017 yil 7 oktyabr 806-sonli qarorlari, Toshkent shahar hokimining 2017 yil 30 oktyabrda 1453-sonli va 2017 yil 12 oktyabrda 1390-sonli qarorlari, Toshkent shahrida faoliyat kursatayotgan kichik sanoat zonalarini faoliyatini muvofiklashtirish b'yicha Ma'muriy kengashning 2017 yil 20 yanvardagi 10-sonli bayoni. "Uchtepa kichik sanoat zonasini bosqarish direktsiyasi" DUK Manzil: Toshkent shahri, Uchtepa tumani, Chilonzor 26-mavze, 36-uy. Ummiy er maydoni: 5,1 ga. Ijaraga berilayotgan binolar va inshootlar soni: 14 ta lot. Jami ijara berilayotgan maydon: 16 871 kv.m. Kommunikatsiya tarmoni: elektr energiyasi, gaz va sovuk suv bilan ta'minlangan. Sanoat zonasining iynalishi: sanoat va xalk iste'mol mahsulotlarini ishlab chikarish. Tanlovda qatnashish uchun takliflarni topshirish manzili: "Uchtepa kichik sanoat zonasini bosqarish" DUK, Toshkent shahri, Uchtepa tumani, Farhod k'chasi, 21-uy, Uchtepa tuman hokimligining 5-kavati, 4-xona. Tanlovda qatnashish uchun takliflarni qabul qilish muddati: 2017 yil 21 fevral, soat 18.00 ga qadar. Tanlov utkazish sanasi: 2017 yil 22 fevral, soat 15.00. Tanlov utkazish manzili: "Uchtepa kichik sanoat zonasini bosqarish direktsiyasi" DUK, Toshkent shahri, Uchtepa tumani, Farhod k'chasi, 21-uy, Uchtepa tuman hokimligining 2-kavat katta zali. Ma'lumot uchun telefonlar: 511-66-18 Elektron pochta manzili: mkmuninova@gmail.com

Toshkent shahar er tuzi va k'chmas mulk kadastri davlat korxonasi tasarrufidagi lazer printerlariga № 2612 va № 737 markali kartriklarini xarid qilish maqsadida tashkilotlar urtasida TANLOV EЪLON QILINADI Byurtmachi: Toshkent shahar er tuzi va k'chmas mulk kadastri davlat korxonasi. Moilyalashirish: byurtmachiing uz mablaqlari hisobidan. Manzil: Toshkent shahri, Navoiy k'chasi, 2A-uy. Tel: 241-77-29, faks: 239-35-01. E-mail: info@kadastr.uz Tanlov utkazilishi shartlari b'yicha k'chima ma'lumotlarni dushanbajuma kunlari soat 9:00 dan 18:00 ga qadar yuqorida kursatilgan manzil va telefon raqamlari orkali olish mumkin. Tixorat takliflari rahbar imzosi va korxonaning muxri bilan tasdiklangan holda, eъlon matbuotda chop etilgan kundan boшлаb 10 kun ichida qabul qilinadi. Toshkent viloyati, Yuqori Chirchik tumani, Bordonk'ul MFIda joylashgan "5-avtobus saroyi" MЧЖ xuddida joylashgan avtobus tamirlash ustaxonasi va ma'muriy binoni kapital tamirlash uchun pudratni tashkilotlari urtasida TANLOV EЪLON QILADI Ummiy smeta narxi 570,0 mln. s'm. Takliflar eъlon gazetaida chop etilgan kundan boшлаb 10 kun mobaynida qabul qilinadi. Batafsil ma'lumotlar uchun tel: 295-31-05

"101" XAVFSIZLIK QOIDALARIGA KATYIY AMAL QILING!

Bugungi kunda turumimizni "zangari olov"siz tasavvur etish qiyin. Ana shu eniligidan t'gri foydalanih, xavfsizlik qoidalariga katyiy amal qilish xavfsizlikni ta'minlaydi. Aks holda ozgina eъtiborsizlik oqibatida chikdan engin katta moddiy zarar etkazishi mumkin. Kungilsiz hodisalarning oldini olish uchun esa gazdan foydalanih qoidalarini bilish va ularga amal qilish lozim. Gaz plitasi urnatilgan xonani tez-tez shamollatib turish, gaz, k'umir eъkladigan penchalar m'risi iyligika m'rida bir marta tozalanihi kerak. Pecha va gaz plitalari enida benzin, kerodin, tez enuvchi suyoqliklarni saqlash eningni keltirib chikaruvchi asosiy sabablardan sanaladi. **Erjan SUGURBAEV,** Uchtepa tumani EЪB inspektori, serjant

Xar bir fuqaro kundalik turumda engin xavfsizligi qoidalariga amal qilsa turli ofatlarning oldi olingan bulardi. Xa, "tilsiz ev" bulishi olov fasl, vaqt, joy tanlamaydi. Kutilmaganda ozgina eъtiborsizlik, beparvolik oqibatida r'y beradi. Yashobod tumani xuddida ham engin xavfsizligini ta'minlash maqsadida "Enginlar profilaktikasi kuni" tadbiirlari uyoqloqlik bilan utkazilmokda. Enginlarning kelib chikish sabablari va ularga imkon beraётgan shart-sharoitlarni aniklash tahtiligina nazar solinsa, oddiy xavfsizlik qoidalariga amal qilinmagani ma'lum buladi. Jumladan, Parkent 7-ter k'chasi, 4-uyda joylashgan "Semurg" AЖning foydalanihlayotgan binosida elektr simining k'chka tutashuvi natijasida bino ichki y'ulak va shifrt k'chsi 20 metr kv. maydon engin. Jarq'urgon 1-berk k'chasi, 33-uyning gaz plitkasida olovli ishlarini olib borish vaqti eъtiborsizligi oqibatida yash xonasining ichki va tom k'chsi 60 metr kv. maydon engin chikgan. Engin xavfsizligi konun-qoidalariga katyiy rioya qilinsang davlat va shaxsiy mulkingiz, uy-joyingizni engingdan asragan, shuningdek, yachinlaringiz xavfsizligini ta'minlangan bulasiz. **Sheroz SADENOV,** Yashobod tumani Engin xavfsizligi bulimi inspektori, safdor

Istiklol bergan imkoniyatlar samarasi bugun hatimizingning barcha jabhasida uz aksini topmokda. Yuskas marralarni zabt etayotgan xalqimizning yuqlari salmog'i tobora oshib borayapti. Bu esa uz navbatida mamlatimizni ixtisodiy salohiyati va yurtdoshlarimizning xavfsizligini ta'minlashga ahamiyat qaratish muhimligini takozoz etadi. Darhaqiqat, engin xavfsizligi xizmati tomonidan ixtisodiy tarmoqlari, ixtimoiy soha ob'ektlari va aholi turar joylarida enginlarning oldini olish, ularni uchiirish, engin zonasida kolgan odamlarni kutkarih hamda eningni qarshi tarqibot, y'qitish va axborot bilan ta'minlash kabi vaqolat dorikasidagi vazifalar amalga oshirilmokda. Engin tasodiy fiy eъi uz-uzidan kelib chikadigan kimyoviy xolat emas, balki u kimgindir aybi bino yozaga keluvchi bahtsiz hodisa. Ana shu bahtsizlikning oldini olish esa har bir kishining uz k'ulida eъaligini fuqarolarimizni unutmastligi, yashash va ish joylarida engin xavfsizligi qoida talablarini suzsiz bajarishlari zarur. Shunda engin hodisasi kelib chikmaydi va ularning oldi olingan, fuqarolarning osoyisha turmush tarzi ta'minlangan buladi. **Dilshod MIRALIMOV,** "Ma'rifat markazi" EЪB inspektori, serjant, Shuxrat UMAROV, "Ma'rifat markazi" EЪB kichik inspektori, safdor

Enginlar k'plinch eъtiborsizlik sabablari yoz beradi. "Tilsiz ev" oqibatida nafaqat moddiy zarar k'riladi. Bazan u odamlarning umriga ham zomin buladi. Shu bois eningni bartaraf qilngandan k'ra uning oldini olgan afzaldir. Eng achinarlisi, engin kelib chikishga ayrim fuqarolarningizning oddiy engin xavfsizligi qoidalarini bilmasligi eъi ularga rioya etmasligi sabab bulmokda. Uyda eъ bolalarni karovsiz qoldirish, shuningdek, ularning b'yi etadigan joylariga gurur va shunga uъsh tez alanga oluvchi narsalarni k'uyib ketish anicharli x'rlarga olib kelmokda. Bundan tashqari k'ulbala isitish uskunalaridan foydalanih, gaz plitalariga rezina shlanglarni ulash, elektr tarmoqlaridagi k'chka tutashuvlar k'ungilsiz voqealarni keltirib chikarmokda. Engin q'chon, qarida, nima sababdan uz berishidan katyiy nazar odamlarga tashvish keltiradi. Shunday ekan doimo oqoh bulaylik!

Xudob'or SHOKIROV, Alisher Navoiy nomidagi Uzbekiston Davlat Akademik katta teatri binosini engingdan muxofaza kiluvchi engin xavfsizligi bulimnisi inspektori, serjant

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Hamza maishiy xizmat k'rsatish kasb-xunar kolleji tomonidan 2008 yilda Nosirov Sanjar Erkinovich nomiga berilgan №1085642 raqamli diplom iyuqolganligi sababli **BEKOR QILINADI**

Mirobod sanoat kasb-xunar kolleji tomonidan 2015 yilda Xudob'orjon Asrorjon Odil ugli nomiga berilgan K № 4022952 raqamli diplom va diplom ilovasi iyuqolganligi sababli **BEKOR QILINADI**

"Sergeli tumani er tuzi va k'chmas mulk kadastri" davlat korxonasi tomonidan Tashpulatova Shaxnoz Abdug'anievnaга turar joyiga Sergeli tumani, Sergeli 6-mavze, 23-uy, 23-xonadon uchun berilgan kadastr hujjatlarini iyuqolganligi sababli **BEKOR QILINADI**

Uzgidromet XABAR QILADI — 9-11 darajaga iliq buladi. Uzgidrometning monitoring xizmati ma'lumotiga k'ra, 25 yanvarda Toshkent shahrida 25 yanvar kuni xavo uъzarib turadi, eъinlarlik bulmaydi. Sharqan sekunda 3-8 metr tezlikda shamol esadi. Xarorat kechasi — 0-2, kunduzi shaxrining ob-xavo sharoti shahar xavo muxitida zararli moddalarning bir oz tarqalib ketishiga imkoniyat yaratadi, ifrosalishi darajasi nast buladi.